

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Урганч шаҳар 94-сон санатория типидagi

Давлат мактаб интернати директори

А.Кариев



ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Урганч шаҳар 94-сон санатория типидagi давлат мактаб интернати, эрталабки нонушта, 2-нонушта, тушлик, пешинги нонушта, кечки овқат тайёрлаш хизматини аутсорсинг усулида ташкил этиш юзасидан аутсорсинг хизматини харид қилиш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1	Ўзбекистон Республикаси СанПиН нинг 2007 йилдаги 0219-07 даги низомларига қатти риюя қилиш лозим. Мактаб интернатда даволаниб тахсил олаётган ўқувчилар соғлиқ даражасига қараб овқатланишни ташкил қилиш шу билан биргаликда юқоридаги низомга асосан.
2	Мактаб интернатда Аутсорсинг усулида эрталабки нонушта, 2-нонушта, тушлик, ярим тушлик ва кечки овқалар билан даволаниб тахсил олаётган ўқувчиларни таъминлаш ССВнинг 122-сонли буйруғида белгиланган тартиблар ва қоидаларга қатъий риюя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.
3	Аутсорсер даволаниб тахсил олаётган ўқувчиларга овқат тайёрлаш хизматларини кўрсатишда, таомнома тайёрлашда, озик-овқат маҳсулотларини ишлатишда ва таомлар тайёрлашда махсус ишлаб чиқилган СанПиН нинг 2007 йилдаги 0219-07 низомига қатъий риюя этиши лозим.
4	Аутсорсер аутсорсинг усулида овқат тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатишни сифатли ташкил этишда қуйида кўрсатилган қонунчиликдаги белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган тартиб ва қоидаларига; Ўзбекистон Республикасининг 26 август 2015 йилдаги ЎРҚ-393-сонли «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунига; Ўзбекистон Республикасининг 30 август 1997 йилдаги ЎРҚ-483-1-сонли «Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига; Ўзбекистон Республикасининг 24 апрель 1996 йилдаги ЎРҚ-221-1-сонли «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига.
5	Иштирокчилар овқат тайёрлаш хизматини ташкил этиш бўйича таклиф қилинаётган хизмат учун ишлаб чиқилган 1 кунлик намунавий Таомнома режасини (5-илова) Буюртмачига тақдим этишлари лозим.
6	Аутсорсер харид қилинаётган озик-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигига, ошхона ходимлари томонидан таом тайёрлаш технологияси қоидаларига риюя қилинишига, ошпазларнинг ҳар икки йилда бир марта малака оширишига, белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтган ҳолда ишга қўйилишига шахсан масъул ҳисобланади.

7	Аутсорсерга мактаб интернатнинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари ва мебелидан фойдаланганлик учун ижара тўлови “ноль” ставка бўйича белгиланади, ҳамда овқатлантиришни ташкил этиш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматлар қиймати мактаб интернат лимит ва Давлат бюджети маблағлари доирасида аутсорсер томонидан қопланади. Ижара асосида топширилган ошхона ва ошхона жиҳозларини таъмирлаш, ишлаётган ходимларни иш ўрнини қисқартирмасдан, хозирги кунда 6 нафар иш ўрни мавжуд, ходимлар иш ҳақи, ошхона жиҳозлари, ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан таъминлаш ишлари аутсорсер томонидан амалга оширилади.
8	Хизматлар кўрсатиш муддати – бир календар 1-ойлиги (31 кун).
9	Мактаб интернат таомнома режасини тузиш учун мактаб интернат аутсорсерга бир кун олдин соат 16:00 гача бир кун олдинги ўқувчилар сонига нисбатан буюртма тақдим қилинади.
10	Иштирокчилар ўз таклифларини тақдим этишдан аввал мактаб интернат ошхонаси ва ундаги жиҳозларни келиб кўриб, танишиб кетишлари мумкин.
11	Аутсорсер томонидан тайёрлаб берилаётган таомлар сифати, вазни, таркибининг таомномага мувофиқлиги мактаб интернат раҳбари, пархез ҳамшира ҳамда бошқа масъул ходимлардан иборат (зарур ҳолларда, даволаниб тахсил олаётган болаларнинг яқинлари қўшилиши мумкин) комиссия томонидан назорат қилинади ва назорат якунлари мактаб интернатнинг тайёр таомлар сифатини назорат қилиш бўйича юритиладиган махсус дафтарда ҳар куни қайд қилиб борилади.
12	1. Аутсорсинг хизматларини ташкил қилиш учун сарфланадиган барча коммунал харажатларни (табиий газ, электр энергия, ичимлик ва оқава сув) аутсорсер ўз маблағлари ҳисобидан қоплаши; 2. Буюртмачи томонидан тегишли бўйруқ асосида таомнома асосида овқат тайёрлаши; 3. Буюртмачи томонидан тегишли бўйруқ асосида бириктирилган масъул ходимларга кунлик овқатлардан синамалар олиш ва ташкил қилинган аутсорсинг хизмати ҳолатини мунтазам равишда назорат қилишга рухсат бериши; 4. Аутсорсер ташкилотда фаолият юритувчи ишчи-ҳодимлар рўйхатини тақдим қилиши; 5. Аутсорсер томонидан вақтинчалик фойдаланиш учун ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда ўзлари ҳисобидан таъмирлаши; 6. Шартнома муддати тугагандан кейин вақтинчалик фойдаланиш учун ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозларни соз ва тўлик ҳолда буюртмачига топшириши;
13	Аутсорсер (иссиқ овқат тайёрлаш) хизмати бўйича камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиши, етарли иш тажрибасига, Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаган ташкилотлар иштирок этадилар.
14	1. Тадбиркорлик субъектининг устави таъсисчиси, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; 2. Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларига эга бўлиши; 3. Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги; 4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши; 5. Иш тажрибаси, тегишли молиявий, моддий-техника ва логистика базаси ҳамда умумий иш фаолияти тўғрисида маълумотнома тақдим қилиш; 6. Аутсорсер томонидан ишлаб чиқилган ҳафталик тасдиқланган таомнома (Буюртмачи томонидан кўрсатилган таомлар асосида таомнома тузилади); 7. Буюртмачи томонидан кўрсатилган нархга аутсорсер ташкилот томонидан берган таклифи нархи; 8. Давлат муассасаларида аутсорсинг хизматларини (тахсил

олувчиларни иссиқ овқат билан таминлаш) кўрсатганлиги бўйича қўшимча маълумотнома (қайси муассасаларда, қачон, қандай хизмат тури ва хизмат кўрсатган муассасадан тавсифнома); 9. Буюртмачи томонидан аутсорсер ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) қўйилган талабларнинг ҳар бир банди бўйича қафолат хати тақдим қилиниши;

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Урганч шаҳар 94-сон санатория типидagi давлат мактаб интернати директори **А.А. Абдуриев**



ТЕХНИК ШАРТ

Аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизмати кўрсатиладиган муассаса ҳақида маълумот

Лот т/р	Хизмат кўрсатиладиган муассасанинг номи	Манзили	Жами ўринлар сони*	Овқатланиш маҳали
				5 маҳал (нонушта, 2-нонушта, тушлик, пешингини нонушта, кечки овқат)
1	2	3	4	5
1	Урганч шаҳар 94-сон санатория типидagi давлат мактаб интернати	Хоразм в Урганч ш К.Атаниязов 60	250	250

*Изоҳ: даволаниб тахсил олаётган ўқувчилар сони ўзгариши мумкин.

1	Буюртмачи:	Урганч шаҳар 94-сон санатория типидagi мактаб интернати учун
2	Аутсорсинг хизмати тури	Даволаниб тахсил олаётган ўқувчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш
3	Танлов тури	Энг яхши таклифларни танлаб олиш
4	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили	https://etender.uzex.uz/ махсус ахборот полталидан юклаб олишлари мумкин, Иштирокчилар ўз таклифларини тақдим этишдан аввал мактаб интернат ошхонаси ва ундаги жиҳозларни келиб кўриб, танишиб кетишлари мумкин.
5	Буюртмачи томонидан аутсорсер ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) қўйиладиган талаблар:	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 19.03.1993 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси даволаш-профилактика муассасаларида шифобахш овқатланишни ташкил қилиш тўғрисида"ги 122-сонли ва 20.02.2008 йилдаги № 74-сонли буйруқларига катъий риоя этиши лозим.
6	Буюртмачи томонидан аутсорсер ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) қўйиладиган талаблар:	<ol style="list-style-type: none"> 1. Аутсорсинг хизматларини ташкил қилиш учун сарфланадиган барча коммунал харажатларни (табiiй газ, электр энергия, ичимлик ва оқава сув) аутсорсер ўз маблаглари ҳисобидан қоплаши; 2. Буюртмачи томонидан тасдиқланган кундалик таомнома асосида овқат тайёрлаши; 3. Буюртмачи томонидан тегишли буйруқ асосида бириктирилган масъул ходимларга кунлик овқатлардан синамалар олиш ва ташкил қилинган аутсорсинг хизмати ҳолатини мунтазам равишда назорат қилишга руҳсат бериши; 4. Аутсорсер ташкилотда фаолият юритувчи ишчи-ҳодимлар рўйхатини тақдим қилиши; Аини вақтда мавжуд ишчи ўринлари ҳамда ишчиларни сақлаган ҳолда 5. Аутсорсер томонидан вақтинчалик фойдаланиш учун ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда ўзлари ҳисобидан таъмирлаши; 6. Шартнома муддати тугагандан кейин вақтинчалик фойдаланиш учун ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозларни соз ва тўлиқ ҳолда буюртмачига топшириши;
7	Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига руҳсат этилади	Аутсорсер (иссиқ овқат тайёрлаш) хизмати бўйича, етарли иш тажрибасига эга булиши, Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қайта ташкил этилиш (булиниш, қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулк мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаган ташкилотлар иштирок этадилар.

8	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари	Офёрталарни тақдим этишнинг охириги муддати давлат харидлари порталида белгиланган муддатга қадар
9	Танловда иштирок қилиш учун аутсорсерлар (хўжалик юритувчи субъект) томонидан тақдим қилинадиган хужжатлар;	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тадбиркорлик субъектининг устави таъсисчиси, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; 2. Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларига эга бўлиши; 3. Молиявий ахvoli барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги; 4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши; 5. Иш тажрибаси, тегишли молиявий, моддий-техника ва логистика базаси ҳамда умумий иш фаолияти тўғрисида маълумотнома тақдим қилиш; 6. Аутсорсер томонидан ишлаб чиқилган хафталик тасдиқланган таомнома (<i>Буюртмачи томонидан кўрсатилаган таомлар асосида таомнома тузилади</i>); 7. Буюртмачи томонидан кўрсатилган нархга аутсорсер ташкилот томонидан берган таклифи нархи; 8. Давлат муассасаларида аутсорсинг хизматларини (беморларни иссиқ овқат билан таъминлаш) кўрсатганлиги бўйича қўшимча маълумотнома (қайси муассасаларда, қачон, қандай хизмат тури ва хизмат кўрсатган муассасадан тавсифнома); 9. Буюртмачи томонидан аутсорсер ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) қўйилган талабларнинг ҳар бир банди бўйича қафолат хати тақдим қилиниши;
10	Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили	Давлат харидлари порталида белгиланган муддатларда https://etender.uzex.uz/ махсус порталида электрон курунишда
11	Танлов таклифларини баҳолаш муддати	Давлат харидлари порталида белгиланган муддатда

Аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизмати кўрсатиладиган муассаса ҳақида маълумот

Лот т/р	Хизмат кўрсатиладиган муассасанинг номи	Манзили	Жами ўринлар сони*	Овқатланиш маҳали
				5 маҳал (нонушта, 2-нонушта, тушлик, пешинги нонушта, кечки овқат)
1	2	3	4	5
1	Урганч шаҳар 94-сон санатория типдаги давлат мактаб интернати	Хоразм в Урганч ш К.Атаниязов 60	250	250

*Изоҳ: даволаниб тахсил олаётган ўқувчилар сони ўзгариши мумкин.



URGANCH SHAHAR 94- SON MAKTAB – INTERNAT BUYRUQDAN KO'CHIRMA

BUYRUQ № 91

19.07.2022

Urganch shahar

Вилоят халқ таълими бошқармасининг 2022 йил 9 апрелдаги “Вилоят тасарруфидаги мактаб-интернатлар ўқувчиларини овқатлантириш тизимини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни йўлга қўйиш тўғрисида”ги 4-сонли қарори ҳақида

Вилоят халқ таълими бошқармасининг 2022 йил 9 апрелдаги “Вилоят тасарруфидаги мактаб-интернатлар ўқувчиларини овқатлантириш тизимини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни йўлга қўйиш тўғрисида”ги 4-сонли қарори талабларини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Вилоят халқ таълими бошқармасининг 2022 йил 9 апрелдаги “Вилоят тасарруфидаги мактаб-интернатлар ўқувчиларини овқатлантириш тизимини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни йўлга қўйиш тўғрисида”ги 4-сонли қароридан кўрсатилган маълумотлар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мактаб-интернатлар ўқувчиларини овқатлантириш тизимини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни йўлга қўйиш бўйича тадбиркор(аутсорсинг)ларга қўйиладиган талаблар 1-иловага мувофиқ тузилсин.

3. Мактаб-интернат ошхона ишчиларига тушунтириш ва огохлантириш хати берилсин.

4. Мактаб-интернатлар ўқувчиларини овқатлантириш тизимини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни йўлга қўйиш бўйича мактаб-интернатнинг 6 нафар ходимидан иборат комиссия қуйидаги тартибда тузилсин.

- | | |
|--|---|
| | 1. Комиссия раиси- мактаб-интернат директори (А.Карнев); |
| | 2. Комиссия котиби- интернат касаба уюшма раиси (М.Зарипова); |
| | 3. Аъзо- мактаб-интернат бухгалтери (Каримов Х.); |
| | 4. Аъзо- мактаб-интернат диетолог хамшираси (Ш.Нурметова); |
| | 5. Аъзо- Кадрлар бўлими инспектори (А.Шарипова); |
| | 6. Аъзо- мактаб-интернат ўқитувчиси (М.Кутлимуратова); |

Вилоят халқ таълими бошқармасининг 2022 йил 9 апрелдаги “Вилоят тасарруфидаги мактаб-интернатлар ўқувчиларини овқатлантириш тизимини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни йўлга қўйиш тўғрисида”ги 4-сонли қарориди белгиланган вазифалар асосида жорий йилнинг 31 декабригача мактаб-интернатлар ўқувчиларини овқатлантириш тизимини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни йўлга қўйсин ҳамда ҳар йили шу тартибда ишлар ташкил қилиш вазифаси юклатилсин;

- мактаб-интернатлар ўқувчиларини овқатлантириш тизимини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни йўлга қўйиш учун жорий йилнинг 25 июльдан биржа орқали эълон берсин;

- Комиссия аъзоларига Давлат хизматлари агентлигидан электрон ключ олишга амалий ёрдам берсин.

Электрон биржада аниқланган тадбиркорларни талабларини қўриб чиқишни комиссия аъзоларига ўргатиш вазифалари юклатилсин.

4. Мактаб-интернатлар ўқувчиларини овқатлантириш тизимини аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни йўлга қўйиш буйича тендирда ютган тадбиркорнинг ҳар кунлик иш фаолиятини назорат қилиш комиссия аъзоларига топширилсин.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммада қолдираман.

Мактаб-интернат директори



А.Кариев